

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТУШУНЧАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Марипжонов Умиджон

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи йўналиши тингловчиси

Аннотация: *мазкур мақолада фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси ва унинг вазифалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Фуқаролик процессининг вазифаларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.*

Калит сўзлар: *фуқаролик суд ишларини юритиш, суд ишларини юритиш вазифалари, процессуал принциплар.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судловни амалга оширишнинг асосий шакллари сифатида конституциявий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишларини юритиш белгиланган. Демак, фуқаролик суд ишларини юритиш одил судловни амалга оширишнинг алоҳида таркибий қисми бўлиб, фуқаролик ишларини судда кўриш орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Фуқаролик суд ишларини юритиш институти орқали давлат ўзининг конституциявий мажбуриятини ҳуқуқ ва адолатни таъминлаш вазифасини амалга оширади.

Умумий маънода, фуқаролик суд ишларини юритиш деганда ишларни умумий юрисдикция судларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тушунилади¹. Бироқ суд ишларини юритиш тушунчаси фақат судда иш кўриш процессинигина эмас, балки ушбу жараённинг мақсад ва принципларини ҳам ўз ичига олади. Турли хорижий ва маҳаллий олимлар мазкур тушунчага нисбатан ўз таърифларини таклиф қилганлар. Жумладан, А. Ван Рейн суд ишларини юритишни “давлат номидан адолатни таъминлашга хизмат қилувчи процессуал фаолият” деб таърифлайди.

Унинг фикрича, суд ишларини юритишнинг вазифалари қонун устуворлигига риоя қилиш ва судьяларнинг мустақиллигига асосланади². Шунингдек, П. Дамаша суд ишларини юритишни “ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда суд органлари томонидан қўлланиладиган расмий ва процессуал тартиб” сифатида кўради ҳамда суд ишларини юритишда судьяларнинг касбий малакаси ва ахлоқий масъулияти муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди³. Россиялик олим Л.В. Волкова эса суд ишларини юритишни

¹ Чибилова, М. . (2023). Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси ва вазифалари. *Наука и инновация*, 1(36), 4–12. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/si/article/view/25006>

² Van Rhee, C.H. *European Traditions in Civil Procedure*. – Cambridge: Intersentia, 2005. – 128-p.

³ Damaska, M.R. *The Faces of Justice and State Authority*. – New Haven: Yale University Press, 1986. – 154-p.

“хуқуқий муносабатларни тиклашга ва қонуний қарорлар қабул қилишга қаратилган давлат фаолияти бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолатни тиклаш ҳисобланади⁴” деб таърифлаган.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, суд ишларини юритиш кенг қамровли тушунча бўлиб, у нафақат процессуал жараён, балки унинг мақсад ва тамойилларини ҳам ўз ичига олади. Дарҳақиқат, суд ишларини юритиш тушунчаси фақатгина суд органлари томонидан ишларни кўриб чиқиш жараёнини эмас, балки ушбу жараённинг мақсади, вазифалари ва принципларини ҳам қамраб олади. Бу жараён ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган бўлиб, давлатнинг конституциявий мажбуриятларини амалга ошириш усулларида бири сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчасини аниқроқ ёритиш мақсадида унинг таркибий турларига тўхталиб ўтамиз. Фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритиш бир неча турларга эга: буйруқ тартибидаги ишлар, даъво тартибидаги ишлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, ҳакамлик суди қарори билан боғлиқ ишлар ва хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш кабилар. Ушбу иш юритиш турлари мазмун-моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, умумий маънода барчаси фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчасини ташкил этади.

Шу тариқа, фуқаролик суд ишларини юритиш жамиятда юзага келадиган ҳуқуқий низоларни қонуний тартибда ҳал этишга қаратилган, фуқаролар, ташкилотлар ва давлат органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий фаолият тури сифатида қаралади.

Суд ишларини юритишнинг вазифалари унга юклатилган ҳуқуқий мақсад ва вазифалар мажмуини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифалари аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек давлат ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш.

2. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш.

3. Қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш.

⁴ Волкова Л.В. Теория государства и права: Учебник. — М.: Юрайт, 2020. — С. 312.

Юқоридаги вазифалардан кўринадики, фуқаролик процессининг биринчи навбатдаги вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ишларни қонуний ва тезкор тарзда ҳал этишдир. Шу билан бирга, суд фаолияти орқали жамиятда қонунийлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга ҳам хизмат қилиши белгиланган. Яъни, фуқаролик суд ишларини юритиш нафақат алоҳида низоларни ҳал этиш, балки умумий ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурматини шакллантиришдек кенг кўламли вазифаларни ҳам қамраб олади.

Илмий манбаларда суд ишларини юритиш вазифалари юзасидан миллий қонунчиликда белгиланган вазифаларни такомиллаштириш юзасидан ҳам таклифлар мавжуд. Хусусан, Мансурова Хулкар⁵ ўз тадқиқотида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида фуқаролик ишларини адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этишни алоҳида назарда тутиш лозимлигини асослайди. Амалдаги қонунчиликда ишларни “тўғри ва ўз вақтида” ҳал этиш вазифаси қайд этилган бўлиб, тадқиқотчилар уни янада аниқлаб, адолатлилик мезонини алоҳида вазифа сифатида ифодалаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, “тўғри” ҳал этиш тушунчаси ҳуқуқий нуқтаи назардан қонуний ва асосли ҳал этишни англатса-да, унинг адолатли бўлиши одил судловнинг бош шартларидан бири саналади. Шунинг учун адолатли суд қарорларига эришиш фуқаролик процессининг устувор вазифаси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу фикрларни ва процессуал қонунчиликни таҳлил қилган ҳолда биз суд ишларини юритиш вазифаси тушунчасини қуйидагича таърифласак, янада тўғрироқ ва аниқроқ таъриф бўлар эди:

Суд ишларини юритиш вазифаси — бу фуқароларнинг, ташкилотларнинг ва давлатнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, низоларни адолатли тарзда ҳал қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида суд томонидан амалга ошириладиган ташкилотчилик, ҳуқуқий ва процессуал фаолиятларнинг мажмуасидир.

Фикримизча, Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган вазифалар сафига тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигини ҳамда суднинг холислигини таъминлаш каби процессуал принципларни ҳам киритиш лозим. Бу таклиф суд ишларини юритиш вазифаларини одил судлов принциплари билан боғлашга қаратилган бўлиб, амалда тарафлар тенглиги ва тортишувлигига риоя этиш ҳамда судьялар холислигини таъминлаш орқали фуқаролик ишларини ҳаққоний ҳал этишга эришилади. Таъкидлаш жоизки, тарафлар тортишуви, тенг ҳуқуқлилиги ва суд мустақиллиги каби қоидалар

⁵ Мансурова Х.Н. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва уларни амалга оширишнинг процессуал кафолатлари. Central Asian Journal of multidisciplinary Research and management studies. Published: 08th February 2024

ҳозирда процессуал тамойиллар сифатида эътироф этилган. Уларни қонун даражасида вазифа сифатида ҳам мустаҳкамлаш фуқаролик суд ишларини юритишнинг мақсад ва вазифаларини янада тўлароқ ифода этишга хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, суд ишларини юритиш тушунчаси ва унинг вазифалари ҳуқуқий тизимнинг асосий элементларидан бири бўлиб, у фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, низоларни адолатли ҳал қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг белгиланган вазифалари тўлақонли амалга оширилиши одил судлов самарадорлигининг гарови ҳисобланади. Шундай экан, фуқаролик процессининг вазифаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, хусусан, одиллик тамойилларини янада кучайтириш ва уни ҳуқуқий меъёрларда аниқ ифодалаш(мустаҳкамлаш) орқали фуқаролик одил судлови сифатини ошириш мумкин.

Зеро, суд ишларини юритишнинг асосий мақсади – адолатни қарор топтириш ва қонун ҳукмронлигини таъминлашдан иборат бўлиб, бу вазифаларнинг тўғри бажарилиши ижтимоий адолат ва қонунийликка эришишнинг асосий шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 12.03.2025 й., 03/25/1047/0233-сон
3. Мансурова Х.Н. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ва уларни амалга оширишнинг процессуал кафолатлари // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2024. – Т.1. – №1.
4. Чибилова М.Қ. Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси ва вазифалари // *Наука и инновация*. – 2023. – Т.1. – №36. – Б.4–12.
5. Damaska, M.R. *The Faces of Justice and State Authority*. – New Haven: Yale University Press, 1986. – 154-p.
6. Волкова Л.В. *Теория государства и права: Учебник*. — М.: Юрайт, 2020. — С. 312.
7. Van Rhee, C.H. *European Traditions in Civil Procedure*. – Cambridge: Intersentia, 2005. – 128-p.